

Нигер давлатида шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари номига қудуқ қазилди



17:26 / 16.01.2020 6345

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир. (Ар-Роҳман сураси, 60-оят).

«Яхшилик» бандадан бўлиб, иккинчиси Аллоҳдандир. Бандадан бўладиган яхшилик Аллоҳ таолонинг тоат-ибодатида собитқадам бўлиш билан юзага чиқса, Аллоҳнинг яхшилиги ўша бандани жаннатга киритиш билан бўлади.

Саҳрои кабирда юртимизнинг етук уламози фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари номларига қудуқ қазилди. Қудуқ Африка қитъасидаги Нигер давлатида қазилиб, ҳозирда аҳоли ушбу қудуқ сувидан фойдаланмоқда.

Аҳолисининг 90% мусулмонлардан иборат бўлган Нигер давлати, Африканинг жануби-ғарбий қисмида, саҳрои кабир минтақасида жойлашган. Узоқ йиллардан буён мамлакат халқининг катта қисми сувсизликдан азият чекиб келади.

Ушбу хайрли иш ташаббусчилари «Исламньюс» ташкилоти вакиллари бўлиб, улар Москва шаҳрида фаолият олиб борадилар.

Аллоҳ таоло улуғ ажрли ишни ҳусни қабул айлаб, ҳазратимиз ва ташкилотчиларнинг охирашларига захира қилсин!

***Islom.uz* портали таҳририяти**